

Охунжон Сафаров

**Бухоро адабий ҳаракатчилиги
тарихининг айрим манзаралари**

Бухоро 2012

Охунжон Сафаров

**Бухоро адабий ҳаракатчилиги
тарихидан лавҳалар**

(Мақолалар ва рисодалар)

Бухоро 2012

Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихи минг йиллар билан бўй ўлчайди. Аммо унинг яхлит тарихи ҳозиргача яратилган эмас. Муаллиф ҳам бундай тарихни яратишни мақсад қилгани йўқ. Лекин шу олис тарихнинг айрим нуқталарига даҳл қилиб, бир қатор мақола ва рисолалар ёзган. Тўпламда шу мақола ва рисолалар давр эътиборига кўра гуруҳланган ҳолда жамланган.

Тўпламдаги мақола ва рисолалар равон услубда ёзилган ҳамда ҳаммабопдир. Бинобарин, у Бухоро адабий ҳаракати тарихи билан қизиқувчиларга мўлжаллангандир.

Масъул муҳаррир:

Тақризчилар:

“Саломон ва Ибсол” қиссасида ақл, куч ва нафс талқини

Буюк қомусий мутафаккир Абу Али ибн Синонинг араб тилида ёзилган “Саломон ва Ибсол”, “Ҳайй ибн Яқзон” (“Уйғоқ ўғли тирик”, ҳижрий 414-мелодий 1023) қиссалари ва “Рисолат ат-тайр” (“Қуш рисоласи”) каби фалсафий-дидактик асарлари моҳиятан бетакрор ўғитномалар бўлиб, мумтоз адабиётда насрнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини белгилашдагина эмас, балки халқ педагогик тафаккури тараққиётини кўрсатишда ҳам беқиёс аҳамиятга эга. “Саломон ва Ибсол” мавзуси Шарқ адабиётидаги сайёр сюжетлардан ҳисобланади. Шу сабабли бу мавзуда Абу Али ибн Синогача дастлаб Хусайн ибн Исҳоқ (809-873) ва ибн Аъробийлар асар ёзишган бўлса, улардан кейин ибн Туфайл (вафоти 1186) ва Абдурахмон Жомий (1414-1492) сингари ижодкорлар асар яратгани маълум. Абу Али ибн Сино бу мавзуга Ақл, Куч ва Нафснинг моҳияти, ўзаро муносабатини ака (Саломон)нинг ука (Ибсол) ва аксинча, уканинг ака олдидаги бурч ва масъулияти, Ақл (Ибсол), Куч (Саломон) ва Нафс (Саломон хотини) ўртасидаги муносабат фонида ахлоқий-фалсафий йўналишда таҳлил қилади. Нафснинг Кучга беписандлиги, уни маҳв этишга интилиши ва шу аснода Ақлга ҳамла қилиши, бироқ Ақлнинг унга бўйсунмаслиги, ҳатто жисман маҳв этилса-да, маънан ғалабага эришуви кўрсатилади. Гап шундаки, Абу Али ибн Сино асар сюжетини ишлашда Хусайн ибн Исҳоқ қиссасига таянмайди, балки халқ ижодидаги қиссага ижодий ёндашиб, ижобий қаҳрамон ўрнининг моҳиятини очишга интилади. Буни қуйидаги ишорадан ҳам пайқаш мумкин: “Сен агар ирфон аҳлидан бўлсанг, Саломон сенинг ўзинг учун тўқилган масал, Ибсол маърифатдаги даражанг учун тўқилган масал”. Чиндан ҳам, бу масал моҳиятини туғишган ака-укалар Саломон ва Ибсол ҳамда Саломоннинг хотини ўртасидаги муносабат ташкил этади. Асарда ҳикоя қилинишича, Ибсол акаси Саломон тарбиясида ғоят ақлли, ўқимишли ва одобли бўлиб улғаяди. Хусну ҳаловатда ҳам тенгсиз бўлиб балоғатга етади. Буни зимдан кузатиб юрган янгаси Ибсолни яхши кўриб қолади. Ибсол ҳам буни сезади ва янгасидан ўзини тортиброқ юради. Янгаси буни пайқаб, Ибсол билан яқинлашиш йўлини излай бошлайди. Шу ниятда эри Саломондан укаси Ибсолни болалари ундан хушхулқлик ва илм ўрганишлари мақсадида уларга қўшиб қўйишни сўрайди. Саломон Ибсолга янгаси истагини бажо келтиришини тайинлайди. Ибсол бошда янгасининг ёмон ниятини пайқагани боис унинг ҳузурига киришдан тортинади, бироқ акаси ҳоли-жонига қўймагани боис янгаси олдига киришга мажбур бўлади. Янга унга ҳар хил қимматбаҳо кийимларни кийдириб, ниятини сездирмасликка ҳар қанча уринса-да, охири ўзини тута олмай, Ибсолни севиб қолганини, усиз туролмаслигини изҳор қилади. Ибсол нима қилишини билолмай, боши қотиб қолади. Янгаси талабига кўнса–акаси ва виждони олдида, акаси оиласи олдида хиёнат қилган бўлади, кўнмаса–янгаси макр-ҳийла билан уни ёмонотлиқ қилиши тайин. Шу аҳволда бир муддат

ўтади, бироқ янғасининг эҳтирослари тобора алангалана боради. Ўзини билиб-билмасликка олиб, Ибсол бўйнига қўл солиб кўради. Ибсол уни қаттиқ жеркиб ташласа, янғаси уни синаб кўрмоқчи бўлганини айтиб, вазиятни юмшатади. Ниҳоят, у бу йул билан ниятига ета олмаслигига қаноат ҳосил қилади ва янги режани амалга оширишга киришади. Саломонга маслаҳат солиб, ўз синглисини Ибсолга унаштиришга эришади. Бунда синглиси олдида сени Ибсолга бермоқчиман, лекин бундан мақсадим сени эрга бериш эмас, балки у билан мен ўзим бўлмоқчиман. Кўнсанг–кўнганинг, бўлмаса тўй-ҳашамни тўхтатаман, деб шарт қўяди. Синглиси кўнади. Тўй тугаб, кечқурун Ибсол қайлиғи ҳузурига кирса, янғаси жуда уятчан деб мақтаган қиз Ибсолни ҳирс билан қучиб, бағрига босганидан чўчиб тушади. Ибсолнинг бундан шубҳаси ошиб, бақириб юборади. Шу пайт чакмоқ чакнаб, қаршисида турган янғасини кўради. Шунда Ибсол янғасига ҳеч нарса демай, уйдан чиқиб кетади. Янғасининг бу қилмишини ҳеч кимга айтмай, бу даргоҳдан буткул чиқиб кетиш мақсадида ақаси олдида кириб, унга янги ўлкаларни фатҳ этиб бериш ниятини маълум қилади. Ақаси унинг таклифига рози бўлиб, қўшин тўплаб беради. Ибсол Қутб, Шарқ ва Ҳинд ўлкаларини бирин-кетин забт этиб, уларнинг халқини ўзига бўйсундириб, юртга қайтади. Янғаси эса ҳамон ўша ниятдалигини сездириб, табриклаш баҳонасида унга қучоқ очиб борса, Ибсол унга рўйхуш бермай, жеркиб ташлайди. Бир муддат ўтар-ўтмас Саломон юртига Бобил томон бостириб киради. Ибсол уларга қарши жангга киради. Янға эса Ибсолни қўлга кирита олмаслигига қаноат ҳосил қилиб, уни йўқотиш фикрига тушиб, шундай режа тузади: лашкарбошиларга совғалар тортиқ қилиб, жанг пайтида Ибсолни танг аҳволда қолдириб кетишларини сўрайди. Сотқин лашкарбошилар шундай қиладилар. Ибсол қаттиқ яраланиб, беҳуш ҳолатда жанггоҳда қолиб кетади. Шунда оқ кийик пайдо бўлиб, уни эмизиб даволлайди. Ибсол соғайиб, ўз юртига кириб келади. Янғаси бундан танг аҳволга тушиб қолади. Сирининг фош бўлишидан кўрқиб, ошхона хизматчисини қўлга олиб, Ибсолга заҳар солинган овқат бердиради. Ибсол ўлимидан бир муддат вақт ўтгач, ақаси Саломон воқеадан хабар топади, сўнгра хотини ва ошхонанинг икки хизматчисини улар уқасига берган доридан ичиртириб ўлдиртиради.

Чиндан-да, Абу Али ибн Сино бу сюжет орқали даврининг муҳим фалсафий-ахлоқий муаммосини ҳал қилишга муваффақ бўлган. Унда ўрта асрларга хос адабий анъанага амал қилиб, бир киши образида бир қанча кишилар тимсолларини умумлаштиради. А. Ирисов эътироф этганидек, Абу Али ибн Сино “турмушдаги ҳар бир кишининг феъл-атвори, унинг ҳар хил кирдикорларини маълум кишилар сифатида гавдалантириб беради. Ҳатто баъзи бир сабаблар, баҳоналар ҳам маълум бир қаҳрамонлар орқали талқин қилиниб, кўз ўнгимизга келтирилади. Масалан, Саломон билан бир инсон назарда тутилса, Ибсол шу инсоннинг маърифий-руҳий даражаси сифатида келади. Ибн Сино Ибсол образида берилган хислатларни инсонларда кўрмоқчи бўлади, шунга одамларни даъват қилиб, уни улуғлайди. Шум инсон табиатида бўладиган шахвоний ҳирслар Саломоннинг хотини образида берилади. Бунда гўё ўша ҳирс (яъни хотин) Ақлни (яъни Ибсолни)

эгалламоқчи бўлади. Лекин ақл унга бўйсунмайди. Шу жиҳатдан ҳам Носириддин Тусий ўз шарҳида Ибсолнинг хотиндан ўзини олиб қочиши – Ақлнинг ўз оламига тортишидир, дейди. “Саломоннинг хотини,-дейди Тусий яна,- Нафс билан бирлашиб кетиб, бир шахсга айланган, шахват ва ғазабга тортадиган бадан қувватларига ўхшатмадир. Хотиннинг Ибсолга бўлган ишқи эса, унинг бошқа қувватларни эгаллаганидек, Ақлни ҳам эгаллашга бўлган интилишига ўхшатмадир”. Ибсол айна замонда Ақлда зуҳур топган Кучнинг ҳам тимсолидир. У Ақл ва Кучнинг мужассами сифатида ахлоқан покиза, комил инсоннинг ўрнагидир. Абу Али ибн Сино бошқа қиссаларида ҳам ўз замонасининг долзарб ижтимоий-ахлоқий муаммоларини кўтариб, улардан дидактик сабоқлар чиқара олди. Шу сабабли бу асарлар асрлар оша авлодларни эзгулик руҳида тарбиялашда хизмат қилиб келаётир.

Бухоро мавжлари, 2007 йил, 1-сон, 15-16-бетлар.